
Аҳолига қулайликлар яратилмоқда

Карантин даврида аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида туман ҳокимлиги, прокуратура, иқтисодий жинойтларга қарши курашиш Департаменти, ИИБ, давлат солиқ инспекцияси томонидан ун маҳсулотлари арзон нархларда 51 та маҳалла фуқаролар йиғинларига етказилмоқда. Туман ҳокими томонидан тадбиркорлик субъектларига ҳокимликнинг 11 нафар ходимлари бириктирилган бўлиб, нарх-навонинг сунъий оширилмаслиги ва режа асосида ўз жойига етиб бориши назорат қилинмоқда. Бугун 16.5 тонна ун тумандаги Турват, Қуйи Яккатут, Гузарбоши, Хўжаариқ, Хонақа, Кўлариқ, Чек, Истиқлол, Найман, Учолиш маҳалла фуқаролар йиғинларига олиб борилиб арзон нархларда фуқароларга тарқатилди. Эртага режа асосида Арабмозор, Тошлоқ ва Ахшак ҳудудларида 9 тонна ун тарқатиш белгиланган. http://t.me/toshloq_axborot_xizmati

2020-04-13 18:16:30